
ВИЛОЯТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ ОДИЛ АҲМЕДОВ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИНИНГ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Бугунги кунда миллионлар ўйини бўлган футболга юртимизда жуда катта эътибор қаратилмоқда. Натижада турли ёш тоифасида Ўзбекистон ўсмирлар, ёшлар ва миллий терма жамоалари қатор нуфузли мусобақаларда иштирок этиб келмоқда.

Истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини шакллантириш, маҳаллалардан бошлаб футбол инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда футбол мактаблари ва футбол академияларига иқтидорли футболчиларни саралаб олишни янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг машҳур футболчиси Одил Аҳмедов ташаббуси билан “Одил Аҳмедов футбол академияси”нинг “Odil Junior” Фарғона филиали тантанали тадбир билан фойдаланишга топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов, “Одил Аҳмедов футбол академияси” асосчиси Одил Аҳмедов сўз олишиб, юртимизда футбол спорт турига қаратилаётган эътибор ҳақида тўхталдилар. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда футбол тобора ривожланиб бораётганлиги, Ўзбекистон нуфузли футбол мусобақаларига жумладан, футзал бўйича жаҳон чемпионатиغا мезбонлик қилаётганлиги алоҳида таъкидланиб, чекка қишлоқларда ҳам болалар футболига эътибор янада кучайиб бориши қайд этилди.

Айни пайтда “Odil Junior” Фарғона филиалида 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган вилоятимиздаги футболга қизиқувчи болалар шуғулланиши мумкин. Ҳозирда 50 дан ортиқ болалар ўқишга қабул қилинган. Машғулотлар Фарғона давлат университетининг футбол базасида бевосита олиб борилади. У ерда малакали футбол мутахассислари томонидан болаларга футболнинг илк сир-асрорлари, тўп билан муомала қилиш, майдонни кўра билиш қобилиятлари ўргатилади.

Шу жойда ёш футболчиларга маҳорат дарслари ўтказилиб, уларга эсдалик совғалари ҳам топширилди.

2024-10-05 15:40:41